

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ  
ИНСТИТУТИ**

**НАВРУЗОВ ДИЛШОД ПРИМКУЛОВИЧ**

**АЭРОДИНАМИКА МАСАЛАЛАРИНИ ТУРБУЛЕНТЛИКНИНГ ЯНГИ  
МОДЕЛЛАРИ АСОСИДА СОНЛИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по физико–математическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Physical-mathematical Sciences**

**Наврузов Дилшод Примкулович**

Аэродинамика масалаларини турбулентликнинг янги моделлари асосида  
сонли тадқиқ этиш .....5

**Наврузов Дилшод Примкулович**

Численное исследование задач аэродинамики на основе новых моделей  
турбулентности.....22

**Navruzov Dilshod Primqulovich**

Numerical study of aerodynamics problems based on new turbulence models  
.....40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....43

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ  
ИНСТИТУТИ**

**НАВРУЗОВ ДИЛШОД ПРИМКУЛОВИЧ**

**АЭРОДИНАМИКА МАСАЛАЛАРИНИ ТУРБУЛЕНТЛИКНИНГ ЯНГИ  
МОДЕЛЛАРИ АСОСИДА СОНЛИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Физика-математика** фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Г1047 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М.Т.Ўразбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.instmech.uz](http://www.instmech.uz)) ва "Ziynet" ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маликов Зафар Маматкулович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Далабаев Умурдин**  
физика – математика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот.**

**Закиров Аскар Халилович**  
физика-математика фанлари номзоди, доцент  
**Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.02/30.12.2019.Т/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “18” “январь” соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўчаси, 33, 1-мажлислар зали. Тел: (99871) 262-71-52; Факс: (99871) 262-71-32, e-mail: [instmech@academy.uz](mailto:instmech@academy.uz)).

Диссертация билан Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел.: (99871) 262-71-52).

Диссертация автореферати 2022 йил « » декабрь куни тарқатилди.  
(2022 йил « » декабрдаги 11 рақамли реестр баённомаси).

**М.М.Мирсаидов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор, ЎзР ФА академиги

**М.К.Усаров**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, ф.-м.ф.д., проф.

**И.К.Хужаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,  
т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда сўнгги йилларда олимлар томонидан гидроаэродинамика масалаларини ечишга мўлжалланган сонли алгоритмларни яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу эса гидроаэродинамика масалаларини ечишга мўлжалланган адекват турбулент моделларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Зеро, ясси пластинани оқиб ўтиш масаласи, товуш тезлигидан кичик бўлган ўққа нисбатан симметрик ва айланма струя масалалари билан боғлиқ масалалар амалиётда жуда кўп қўлланилиши туфайли замонавий гидромеханиканинг муҳим бўлимини ташкил этади. Жумладан, айланма оқим кўплаб табиий ҳодисаларда: атмосферада торнадо ва циклонлар, самолёт қанотидан ҳосил бўладиган уюрмали из, ёмғир ҳосил қилувчи ва пурковчи қишлоқ хўжалиги машиналари фаолиятида кузатилади. Шунингдек, бумеранг ва ариларнинг учишини ўрганишда айланма ҳаракат назарияси қўлланилади. Бундан ташқари, кўплаб техник қурилмаларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш мақсадида ҳаво ва ёқилғининг айланма ҳаракатидан фойдаланилади. Ёниш жараёнини стабиллаштирувчи ва жадаллаштирувчи ижобий омил сифатида, бензинли ва дизелли қурилмалар, қозонхоналар ва бошқа иситиш билан боғлиқ тизимларда ёқилғини экологик тоза ва самарали ёқишни таъминлаш мақсадида, шунингдек газ турбиналари, газ турбинали двигателларда айланма оқим қўлланилади. Ушбу масалаларнинг мураккаблиги тадқиқотчилардан мураккаб объектларни сонли моделлаштиришнинг замонавий усулларидан фойдаланишни талаб этмоқда.

Жаҳонда турбулентликни ўрганишда ҳам назарий ва ҳам тажрибавий изланишлар олиб борилмоқда. Аммо тажрибавий изланишларни ўтказиш иқтисодий жиҳатдан кўп харажатни талаб қилгани туфайли бугунги кунда олимлар турбулентлик моделлари ва сонли ишланмалар ёрдамида оқим майдонининг дастлабки ҳисобини аниқлашга алоҳида эътибор бермоқда. Бугунги кунда муҳитлар оқимини тавсифловчи турбулентликнинг турли моделлари яратилган ва турли гидродинамик масалаларни ечишда қўлланилмоқда. Оқимнинг айлантирилиши кучли анизотропик турбулентликни келтириб чиқаради. Математик жиҳатдан бу муаммо жуда мураккаб, ҳозиргача айланма турбулент оқимлар учун универсал математик модель яратилмаган. Бу муаммо кўп фазали полидисперс муҳитлар турбулент оқими учун янада мураккаблашади. Шунини эътиборга олиб, турбулент айланма оқимларнинг такомиллашган математик моделлари, самарали ҳисоблаш алгоритмлари ва ҳисоблаш дастурларини ишлаб усули долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Иқтисодий электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодий” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодийнинг

энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш»<sup>1</sup> бўйича вазифалари белгиланган. Бу масалаларни ҳал этиш учун турбулент оқимларни моделлаштирадиган, сонли тажрибалар ўтказиш ва турли ускуналарнинг рационал параметрларини аниқлайдиган пакет программаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларини ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турбулентлик назариясининг ривожланиши О. Рейнольдс, А. Никурадзе, И. С. Хинце, П. Бредшоу, Д. Буссинеск, Л. Прандтль, Т. Карман, А. Н. Колмогоров, Л. Г. Лойцянский, Н. Н.Акатнов, Ю.В.Лапин, Ван Дрифт, А.Магер, П.А.Либби ва бошқа олимларнинг ишлари билан узвий боғлиқ. Турли хил алгебраик моделлар, бир ва икки  $(k - \varepsilon, k - \omega)$  дифференциал тенгламалар билан ифодаланувчи моделлар таклиф этилган ва гидромеханиканинг турли масалалари учун синовдан ўтказилган. П.Р.Спаларт, С.Р.Алларас (1992), М.Л.Шур (1997), Ф.Р.Ментер (1994), А.Н.Секундов (1995), Д.С. Уилкоксларнинг илмий ишлари Буссинеск гипотезаси асосида қурилган турбулентликнинг чизиқли моделларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга бағишланган. Б.Е.Лаундер (1972), В. Роди (1975), А.Хеллистен, С.Валлин, А.В.Йохансон (2005) каби олимлар чизиқсиз турбулентлик моделларни ишлаб чиқишган.

Аэродинамиканинг ривожланишига ўзбек олимлари ҳам катта ҳисса қўшишган. К.Ш.Латипов, Ю.М.Денисов, И.Н.Хусанов, З.Ш.Жумаев, З.М.Маликов, А.М.Арифжанов, А.М.Фатхуллаев ва бошқалар ўзларининг илмий ишларида янги турбулентлик моделларини таклиф этишган. Аэродинамика соҳасида олиб борилган жуда кўп илмий изланишларга

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

карамасдан, ҳозирги кунгача турбулентликнинг универсал модели ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти “Сууюқлик, газ ва гидроюритмалар тизимлари механикаси” лабораториясининг 2019-2021 йил илмий тадқиқот режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аэродинамика масалаларини ўрганишда қўлланиладиган замонавий турбулентлик моделларининг адекватлигини текширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аэродинамика масалаларини ечишда қўлланиладиган замонавий турбулентлик моделларига бағишланган ишларни таҳлил этиш;

турбулентлик тенгламаларини ечиш учун замонавий сонли усуллар асосида дастурий воситаларни ишлаб чиқиш;

ясси пластинани изотермик ва ноизотермик, шунингдек табиий конвекция шароитида оқиб ўтиш масалалари учун замонавий турбулентлик моделларининг адекватлигини сонли усулда тадқиқ этиш;

сонли моделлаштириш орқали тўғри ва айланма струя учун турбулентликнинг янги математик моделларини верификация қилиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида саноатда кенг қўлланиладиган турбулент оқимлар қаралди.

**Тадқиқот предмети**ни турбулентликнинг икки сууюқлик ва бошқа замонавий турбулент моделлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот ишларини амалга ошириш давомида турбулентликнинг феноменологик моделлари ва субстанция кўчишини ифодаловчи дифференциал тенгламалари системасини ечишнинг сонли усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

қиздирилган вертикал пластина олдидаги табиий конвекция ва ўққа нисбатан симметрик айланма струя масалалари турбулентликнинг икки сууюқлик турбулент модели асосида тадқиқ қилинди ва моделнинг бошқа турбулентлик моделларига нисбатан афзаллиги олинган натижаларнинг бошқа муаллифларнинг тажриба тадқиқотларига мослиги билан исботланган;

ўққа нисбатан симметрик тўғри ва айланма турбулент струя тенгламалари икки сууюқлик турбулент модели асосида қайта тузилди ва уларни ечиш учун SIMPLE алгоритмига асосланган сонли усул яратилган;

сиқилувчан ва сиқилмас муҳитлар турбулент оқимлари тенгламаларининг Мизес ўзгарувчиларида ифодаланган ҳолатлари учун такомиллаштирилган, турғун сонли усул ва алгоритм ишлаб чиқилган;

икки сууюқлик турбулентлик модели изотроп ва анизотроп турбулент оқимлар учун универсал модель эканлиги тажриба натижалари билан таққослаш орқали кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

икки суюқлик турбулентлик модели асосида табиий конвекция ва айланма турбулент оқим модели ишлаб чиқилган;

тўғри ва айланма турбулент струя оқимини ва ясси пластина оқиб ўтиш жараёнини ўрганиш учун дастурий воситалар пакети яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган назарий, сонли тажриба натижалари шу соҳадаги бошқа олимлар томонидан олинган тадқиқот иши натижалари билан таққосланганлиги ва уларга мослиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, динамиканинг қатъий қонунларига асосан биринчи марта айланма оқим масаласини ечишда турбулентликнинг янги икки суюқлик модели ишлатилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, турбулентликнинг икки суюқлик моделини қўллаган ҳолда аэродинамиканинг турли масалалари учун турғун сонли ечиш усули тавсия этилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аэродинамика масалаларини турбулентликнинг янги моделлари ёрдамида сонли тадқиқ этиш асосида:

Мизес ўзгарувчилари ва янги турбулентлик моделини қўллаш усули «ЁФА-Фтех-2018-13» фундаментал лойиҳани бажариш жараёнида қўлланилган (В.И. Романовский номидаги Математика институти 2022 йил 15 июндаги №2/219 рақамли маълумотнома). Натижада Мизес ўзгарувчилари ва янги турбулентлик моделини қўллаш туфайли мураккаб масалаларни ечиш жараёнида чегаравий шартларда сингуляр тенгламалар ҳосил бўлади. Бу эса уларни ечиш учун тўртинчи тартибли аниқликдаги усулни қўллаш имконини берган;

натижалар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигига қаршли Сўх-Оқтепа ирригация тизимига қаршли каналларда ҳисоблаш усули ва илмий тавсия сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги 2022 йил 30 сентябрдаги № ОҚ 7263068 рақамли маълумотномаси). Анизотроп турбулентлик ва қаттиқ девордаги уринма кучланишни ҳисоблаш усуллари ўзгарувчан режимда ишлайдиган суғориш каналлари параметрларини асослайди. Натижада берилган тавсияларга кўра, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган анъанавий суғориш усулларига қараганда сув ресурсларини 75 млн. сўмгача иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 4 таси Scopus базасига қирувчи хорижий ва 6 таси республика нашрларида чоп этилган. ЭХМ учун 3 та дастурий маҳсулот қайд этилганлиги ҳақида гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос равишда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган ва назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Турбулент оқим соҳасидаги изланишлар шарҳи**» боби уч параграфдан иборат.

Биринчи параграфда гидродинамиканинг асосий масалалари таҳлил қилинган, суюқлик ҳаракати, масса ва импульс сақланиш тенгламалари, Ньютон суюқлиги учун кучланиш ва деформация тезлиги тензорлари хусусиятлари муҳокама қилинган. Навье–Стокс ва Эйлернинг асосий тенгламалари келтирилган. Чегаравий қатлам, суюқлик ва газ ўртасидаги фарқлар тавсифланган. А.Фортъе, Р.Бусройда, П.Р.Спаларт, С.Р.Алмарас, М.Л.Шур, Ф.Р.Минтер, А.Н.Секундов, И.Н.Хусанов, З.М. Маликов сингари хорижий ва ватандош олимларининг ишлари таҳлил қилинди.

Иккинчи параграфда турбулент кўчишнинг тенгламаларини тўлдириш учун Прандтль ва Буссинеск гипотезалари тақдим этилган. Спаларт – Алмарас, Секундовнинг  $v_t-92$ , турбулентликнинг икки тенгламали  $k-\varepsilon$  модель ва унинг Чен модификацияси таҳлил этилган. Бундан ташқари турбулентликнинг янги икки суюқлик модели келтирилган.

Учинчи параграфда аэродинамика масалаларини сонли ечиш учун қўлланиладиган сонли усуллар таҳлил этилган. Оқимга қарши схеманинг биринчи, иккинчи ва учинчи тартибли аппроксимациялари муҳокама этилган. Гиперболик тенгламалар системаси учун Курант шарти қўйилган. Патанкар усулининг элементлари тушинтирилган.

Муаммони ўрганиш бўйича мазкур ҳолат таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи «**Ясси сиртни оқиб ўтиш масалаларини ечиш учун турбулентликнинг икки суюқлик ва бошқа моделларининг қўлланилиши**» боби учта параграфдан иборат.

Биринчи параграфда ясси пластинани оқиб ўтиш масаласини ечиш учун  $k - \varepsilon$  турбулент модели, унинг Чен модификацияси ва икки суёқлик ёндашувидан фойдаланилган.

Пластина оқиб ўтишнинг турбулентликнинг дастлабки икки модели учун тенгламалари қуйидаги кўринишга эга:

$$\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial \mathcal{G}}{\partial y} = 0, \quad u \frac{\partial u}{\partial x} + \mathcal{G} \frac{\partial u}{\partial y} = -\frac{1}{\rho} \frac{dp}{dx} + \frac{\partial}{\partial y} \left( \nu \frac{\partial u}{\partial y} - \overline{u'v'} \right). \quad (1)$$

Турбулентликнинг  $k - \varepsilon$  модели тенгламалари қуйидаги кўринишга эга:

$$\begin{cases} u \frac{\partial k}{\partial x} + \mathcal{G} \frac{\partial k}{\partial y} = \frac{\partial}{\partial y} \left( \frac{\nu_t}{\sigma_k} \frac{\partial k}{\partial y} \right) + \nu_t \left( \frac{\partial u}{\partial y} \right)^2 - \varepsilon, \\ u \frac{\partial \varepsilon}{\partial x} + \mathcal{G} \frac{\partial \varepsilon}{\partial y} = \frac{\partial}{\partial y} \left( \frac{\nu_t}{\sigma_\varepsilon} \frac{\partial \varepsilon}{\partial y} \right) + c_1 \nu_t \frac{\varepsilon}{k} \left( \frac{\partial u}{\partial y} \right)^2 - c_2 \frac{\varepsilon^2}{k}. \end{cases} \quad (2)$$

Турбулент ёпишқоқликни ифодалаш учун Прандтль – Колмогоров боғланиши ишлатилади:

$$\nu_t = C_\nu k^2 / \varepsilon. \quad (3)$$

Бу боғланиш локал биржинсли ва изотроп назариясига асосланган.  $k - \varepsilon$  модели тенгламалар системаси бир қанча эмпирик ўзгармасларга эга:  $C_\nu = 0.09$ ,  $C_1 = 1.44$ ,  $C_2 = 1.92$ ,  $\sigma_k = 1.0$ ,  $\nu_k = 0.72$ ,  $\nu_\varepsilon = 0.9$ ,  $\sigma_\varepsilon$  эса қуйидагича аниқланади:

$$\sigma_\varepsilon = \chi^2 / C_\nu (C_2 - C_1), \quad \chi = 0.4. \quad (4)$$

$k - \varepsilon$  турбулентлик моделининг Чен модификацияси қуйидаги кўринишга эга:

$$\begin{cases} u \frac{\partial k}{\partial x} + \mathcal{G} \frac{\partial k}{\partial y} = 2\nu_t - \varepsilon - \frac{2\nu k}{d^2} + \frac{\partial}{\partial y} \left( \left( \nu + \frac{\nu_t}{\sigma_k} \right) \frac{\partial k}{\partial y} \right), \\ u \frac{\partial \varepsilon}{\partial x} + \mathcal{G} \frac{\partial \varepsilon}{\partial y} = \frac{\partial}{\partial y} \left( \left( \nu + \frac{\nu_t}{\sigma_\varepsilon} \right) \frac{\partial \varepsilon}{\partial y} \right) + 2\nu_t C_{\varepsilon 1} \frac{\varepsilon}{k} - C_{\varepsilon 2} \left( 1 - \frac{1}{2} e^{-\frac{k^4}{36\nu^2\varepsilon^2}} \right) \frac{\varepsilon^2}{k} - 2 \frac{\nu \varepsilon}{d^2} e^{-\frac{d}{2\nu}}. \end{cases} \quad (5)$$

Сиқилмайдиган муҳитнинг оқимини қараймиз ( $\rho = const$ ). Прандтль назариясига асосан ҳисоблаш соҳасида босимни ўзгармас деб қараймиз.

Масалани ечиш мақсадида қуйидаги ифодаларга асосан умумлашган оқим функцияси  $\psi$  ни киритамиз:

$$u = \frac{\psi \partial \psi}{\partial y}, \quad \mathcal{G} = -\frac{\psi \partial \psi}{\partial x}. \quad (6)$$

У ҳолда (1) даги узлуксизлик тенгламаси автоматик тарзда каноатлантиради. Ўзгарувчиларни алмаштиришни амалга оширамиз ва қуйидаги формулага асосан Мизес  $(\xi, \psi)$  ўзгарувчиларига ўтаемиз:

$$\frac{\partial}{\partial x} = \frac{\partial}{\partial \xi} - \frac{v}{\psi} \frac{\partial}{\partial \psi}, \quad \frac{\partial}{\partial y} = \frac{\partial \psi}{\partial y} \frac{1}{\psi}. \quad (7)$$


(6) ва (7) ифодаларни (1), (2) ва (5) тенгламалар системасига қўллаган ҳолда параболик турдаги тенгламалар системасига эга бўламиз. Тенгламалар системасини ечиш учун  $O(\Delta \xi, \Delta \psi^2)$  аниқликдаги ошқормас схема аппроксимацияси ишлатилган ва итерацион жараён ташкил этилди. Ҳисоблаш алгоритми марш ва қувиш усуллари асосида тузилди.

(1), (2) ва (5) тенгламалар системаси учун қуйидаги чегаравий шартлар қўйилган:

$$\psi = 0 \text{ да: } u = 0, k = 0, \varepsilon = 0; \quad \psi \rightarrow \infty \text{ да: } u = u_\infty, k = k_\infty, \varepsilon = \varepsilon_\infty.$$

Ҳисоб ишларида Рейнольдс сони қиймати  $Re = 5 \cdot 10^6$  ни ташкил этди.

1-расмда пунктир (кўк, яшил) чизиқлар ёрдамида олинган  $k - \varepsilon$  модели ва унинг Чен модификацияси орқали девор яқинидаги ўлчовсиз бўйлама тезлик профили келтирилган. Бу ерда солиштириш мақсадида NASA маълумотлар базасидаги тажриба натижалари (қора нуқталар) келтирилган.



1-расм. Ўлчовсиз тезлик  $u_*$  нинг  $y^+ = y u_* / \nu$  дан боғлиқ профили.

Бу ерда динамик тезлик  $u_* = \sqrt{0.5 C_f}$  формула ёрдамида аниқланган.  $C_f = 2 U_*^2$

Иккинчи параграфда қиздирилган ясси пластинани турбулент оқим билан оқиб ўтишда импульс ва иссиқлик кўчиши тадқиқ этилди. Масалани ечишда Спаларт – Аллмарас ва икки суюқлик турбулент моделларидан фойдаланилди. Масса, импульс ва иссиқликнинг сақланиш тенгламалари қуйидагича бўлди:

$$\begin{cases} \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial \vartheta}{\partial y} = 0, & u \frac{\partial u}{\partial x} + \vartheta \frac{\partial u}{\partial y} = \frac{\partial}{\partial y} \left[ (\nu + \nu_t) \frac{\partial u}{\partial y} \right], \\ u \frac{\partial T}{\partial x} + \vartheta \frac{\partial T}{\partial y} = \frac{\partial}{\partial y} \left( \left( \frac{\nu}{Pr} + \frac{\nu_t}{Pr_t} \right) \frac{\partial T}{\partial y} \right). \end{cases} \quad (8)$$

Биринчи ҳолда система (8) турбулентликнинг Спаларт – Аллмарас модели билан тўлдирилди ва турбулент динамик ёпишқоқлик  $\mu = \tilde{\nu} \rho$  кўринишда аниқланди.

$$u \frac{\partial \tilde{v}}{\partial x} + \vartheta \frac{\partial \tilde{v}}{\partial y} = P_w - D_w + \frac{1}{\sigma} \left[ \frac{\partial}{\partial y} \left( (v + \tilde{v}) \frac{\partial \tilde{v}}{\partial y} \right) + C_{\sigma 2} \left( \frac{\partial \tilde{v}}{\partial y} \right)^2 \right] \quad (9)$$

Икки суюқлик турбулентлик модели қиздирилган текис пластина масаласи учун Декарт координаталар системасида қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{\partial U}{\partial x} + \frac{\partial V}{\partial y} = 0, \quad U \frac{\partial U}{\partial x} + V \frac{\partial V}{\partial y} = \frac{\partial}{\partial y} \left( \nu \frac{\partial U}{\partial y} - u \vartheta \right), \\ U \frac{\partial u}{\partial x} + V \frac{\partial u}{\partial y} = -(1 - C_s) \frac{\partial U}{\partial y} \vartheta + \frac{\partial}{\partial y} \left( \nu_{xy} \frac{\partial u}{\partial y} \right) - K_f u, \\ U \frac{\partial \vartheta}{\partial x} + V \frac{\partial \vartheta}{\partial y} = -C_s \frac{\partial U}{\partial y} u + \frac{\partial}{\partial y} \left( 2\nu_{yy} \frac{\partial \vartheta}{\partial y} \right) - K_f \vartheta, \\ U \frac{\partial T}{\partial x} + V \frac{\partial T}{\partial y} = \frac{\partial}{\partial y} \left( k \frac{\partial T}{\partial y} - t \vartheta \right), \quad U \frac{\partial t}{\partial x} + V \frac{\partial t}{\partial y} = -\frac{\partial T}{\partial y} \vartheta + \frac{\partial}{\partial y} k_y \frac{\partial t}{\partial y} - K_t t. \end{array} \right. \quad (10)$$

Бу ерда  $U, V, T$  – кўндаланг, бўйлама ва температуранинг ўрталаштирилган ташкил этувчилар;  $u, v, t$  – уларнинг пульсацион ташкил этувчилари;

$$\nu_{xy} = 3\nu + 2 \left| \frac{u \vartheta}{\partial U / \partial y} \right|, \quad \nu_{yy} = 3\nu + 2 \left| \frac{\vartheta \vartheta}{\partial U / \partial y} \right|, \quad k_y = 3k + 2 \left| \frac{t \vartheta}{\partial T / \partial y} \right|.$$

Ишқаланиш ва иссиқлик алмашиш коэффициентлари қуйидаги кўринишга эга:

$$K_f = C_{11} \sqrt{2C_s(1-2C_s)} \left| \frac{\partial \bar{U}}{\partial \bar{y}} \right| + C_2 \frac{|\bar{v}|}{\bar{y}},$$

$$K_t = C_{t1} \sqrt{2C_s(1-2C_s)} \left| \frac{\partial \bar{U}}{\partial \bar{y}} \right| + C_{t2} \frac{\bar{\tau}_w}{\bar{q}_w} \left| \frac{\partial \bar{T}}{\partial \bar{y}} \right|.$$

Ушбу ифодаларда  $C_{11} = 0.939$ ,  $C_{t2} = 0.1$ ,  $C_s = 0.2$ ,  $C_1 = 0.7825$ ,  $C_2 = 0.306$  – эмпирик ўзгармаслардир;  $\tau_w$  – ишқаланиш кучланиши;  $q_w$  – девордаги иссиқлик оқими.

Моделларнинг сонли реализациясини амалга ошириш мақсадида 2.1 § даги алгоритм қўлланилди. Шунингдек узлуксизлик тенгламасини каноатлантурувчи умумлашган оқим функцияси  $\psi$  киритилди.


Янги ўзгарувчи киритгандан кейин, (8) тенгламалар системаси Спаларт–Аллмарас (9) моделини эътиборга олган ҳолда қуйидаги кўринишга келди:

$$\begin{cases} \frac{\partial u}{\partial \xi} = \frac{1}{\psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left[ \frac{u}{\psi} (v + v_t) \frac{\partial u}{\partial \psi} \right], & \frac{\partial T}{\partial \xi} = \frac{1}{\psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left[ \frac{u}{\psi} \left( \frac{v}{\text{Pr}} + \frac{v_t}{\text{Pr}_t} \right) \frac{\partial T}{\partial \psi} \right], \\ \frac{\partial \bar{v}}{\partial \xi} = \frac{P_w - D_w}{V_z} + \frac{1}{\sigma} \left[ \frac{1}{\psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left( \frac{u}{\psi} (v + \bar{v}) \frac{\partial \bar{v}}{\partial \psi} \right) + C_{\sigma_2} u \left( \frac{1}{\psi} \frac{\partial \bar{v}}{\partial \psi} \right) \right]. \end{cases} \quad (11)$$


Икки суяқлик модели тенгламалари системаси (10) янги ўзгарувчиларни эътиборга олган ҳолда қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$\begin{cases} \frac{\partial \bar{U}}{\partial \xi} = \frac{\partial}{\psi \partial \psi} \left( \frac{\bar{U}}{\text{Re} \psi} \frac{\partial \bar{U}}{\partial \psi} - u \bar{v} \right), & \frac{\partial \bar{u}}{\partial \xi} = -\frac{(1 - C_s)}{\psi} \frac{\partial \bar{U}}{\partial \psi} \bar{g} + \frac{\partial}{\psi \partial \psi} \left( \frac{\bar{v}_{xy} \bar{U}}{\psi} \frac{\partial \bar{u}}{\partial \psi} \right) - \frac{K_f \bar{u}}{U}, \\ \frac{\partial \bar{g}}{\partial \xi} = -\frac{C_s}{\psi} \frac{\partial \bar{U}}{\partial \psi} \bar{u} + \frac{\partial}{\psi \partial \psi} \left( 2 \bar{v}_{xy} \frac{\bar{U}}{\psi} \frac{\partial \bar{g}}{\partial \psi} \right) - \frac{K_f \bar{g}}{U}, \\ \frac{\partial \bar{T}}{\partial \xi} = -\frac{1}{\psi} \frac{\partial}{\partial y} \left( \frac{\bar{U}}{\text{Pr Re} \psi} \frac{\partial \bar{T}}{\partial \psi} \right) - \bar{t} \bar{g}, & \frac{\partial \bar{t}}{\partial \xi} = -\frac{1}{\psi} \frac{\partial \bar{T}}{\partial \psi} \bar{v} + \frac{1}{\psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left( \frac{\bar{k}_y \bar{U}}{\psi} \frac{\partial \bar{t}}{\partial \psi} \right) - \frac{K_f \bar{t}}{U}. \end{cases} \quad (12)$$


(10) тенгламага қўшимчалар ҳам Мизес ўзгарувчиларида ёзилди. Масала учун қуйидаги чегаравий шартлар қуйилган, деворда, яъни  $\psi = 0$  да:  $\bar{U} = \bar{u} = \bar{v} = \bar{t} = 0$ ,  $\bar{T} = \bar{T}_{cm}$ ;  $\xi = 0$ ,  $\psi \rightarrow \infty$  да:  $\bar{U} = 1$ ,  $\bar{u} = \bar{u}_\infty$ ,  $\bar{v} = \bar{v}_\infty$ ,  $\bar{T} = \bar{T}_\infty$ ,  $\bar{t} = \bar{t}_\infty$ .



а)



б)



в)


2-расм. Прандтль критерийсининг  $\text{Pr} = 0.1$  (а),  $\text{Pr} = 0.71$  (б) ва  $\text{Pr} = 10$  (в) қийматларида температуранинг профили

Ҳисоблашлар Рейнольдс сонининг  $Re=5 \cdot 10^6$  қиймати учун ўтказилди. Шундай қилиб,  $\xi=0$  кесимгача оқим бир жинсли ва ундан кейин моллар нисбий тезликлари ошиши ҳисобига турбулентликка ўтган.

(11) ва (12) тенгламалар системасини сонли ечиш учун ошқормас чекли айирмалар схемасидан фойдаланилди. Бўйлама йўналишда марказий айирма схемасидан фойдаланилди. Чекли айирмали тенгламаларни ечиш учун қувиш усули қўлланилди. Кўндаланг йўналишдаги тўр нуқталари 2000 тани ташкил этди. Интеграллаш қадамлари  $\Delta\xi=0.00002$ ,  $\Delta\psi=0.0002$  тарзида олинди. Прандтль критерийсининг турли қийматларида ҳисоблашлар олиб борилди.

2-расмда температуранинг графиклари яримлогарифмик  $y^+ = y/l_*$ ,  $t^+ = \frac{|T_w - T_\infty|}{t_*}$  координаталарида келтирилган Улар Кадернинг тажриба натижалари билан солиштирилган.

Учинчи параграфда икки суяқлик турбулентлик модели асосида қиздирилган чексиз вертикал пластина ёнида ҳавонинг табиий турбулент конвекцияси тадқиқ этилди (3-расм).



3-расм. Вертикал пластина яқинидаги табиий конвекция

Икки суяқлик ёндашуви асосида қиздирилган вертикал пластина ёнидаги ҳавонинг конвектив оқими учун тўлдирувчи муносабатлар қиздирилган пластина оқиб ўтиш масаласидаги каби бўлиб, тенгламалар куйидаги кўринишга эга бўлди:

$$\begin{cases} \frac{\partial \rho U}{\partial x} + \frac{\partial \rho V}{\partial y} = 0, & U \frac{\partial U}{\partial x} + V \frac{\partial U}{\partial y} = \frac{\partial}{\partial y} \left( \vartheta \frac{\partial U}{\partial y} - u \vartheta \right) + g \frac{T - T_0}{T_0}, \\ U \frac{\partial u}{\partial x} + V \frac{\partial u}{\partial y} = -(1 - C_s) \vartheta \frac{\partial U}{\partial y} + \frac{\partial}{\partial y} \left( \rho \vartheta_{xy} \frac{\partial u}{\partial y} \right) - K_f u + g \frac{t}{T_0}, \\ U \frac{\partial \vartheta}{\partial x} + V \frac{\partial \vartheta}{\partial y} = -C_s u \frac{\partial U}{\partial y} + \frac{\partial}{\partial y} \left( 2 \rho \vartheta_{yy} \frac{\partial \vartheta}{\partial y} \right) - K_f \vartheta - \vartheta_T^2 \frac{t}{T_0^2} \frac{\partial T}{\partial y}, \\ U \frac{\partial T}{\partial x} + V \frac{\partial T}{\partial y} = \frac{\partial}{\partial y} \left( \rho k \frac{\partial T}{\partial y} - \rho t \vartheta \right), & U \frac{\partial t}{\partial x} + V \frac{\partial t}{\partial y} = -\frac{\partial T}{\partial y} \vartheta + \frac{\partial}{\partial y} \rho k_y \frac{\partial t}{\partial y} - K_t t. \end{cases} \quad (13)$$

Бу ерда  $x$  – вертикал пластина бўйлаб йўналган координата;  $y$  – пластинага перпендикуляр координата;  $U, V$  – мос равишда бўйлама ва кўндаланг тезликлар;  $u, \vartheta$  – нисбий тезликлар;  $T$  – ҳаво ҳарорати;  $T_0$  – пластинадан узоқдаги ҳаво ҳарорати;  $\rho$  – ҳавонинг зичлиги;  $k$  – ҳавонинг ҳарорат ўтказиш коэффициентини.

Масаланинг кўйилишида девор яқинида ҳаво тинч ҳолатда бўлиб, бир жинсли  $T_0 = 289 K$  ҳароратга эга. Девор ҳарорати эса  $T_w = 333 K$ , муҳит зичлиги  $\rho_0 = 1.23 \text{ кг} / \text{м}^3$  га тенг.

Кўйилган масалада босим ҳамма жойда бир хил, (13) тенгламанинг ўнг қисмидаги диффузион ҳаднинг бўйлама ҳосилалари жуда кичкина бўлганлиги учун ташлаб юборилган. Кўриниб турибдики, тўртинчи тенгламанинг ўнг томонида қўшимча термик куч киритилган:

$$f_T = -\frac{\rho \vartheta_T^2 t}{T_0^2} \frac{\partial T}{\partial y}. \quad (14)$$

Бу ерда  $\vartheta_T$  параметр тезлик ўлчовига эга ва сонли тадқиқот шуни кўрсатдики, у  $\vartheta_T = 2.05 \text{ м} / \text{с}$  қийматга эга.

(13) тенгламалар системасини сонли ечиш учун қулай бўлган Мизес  $(\xi, \psi)$  ўзгарувчиларига ўтилди:


$$\xi = x, \quad \rho U = \frac{\psi \partial \psi}{\partial y}, \quad \rho V = -\frac{\psi \partial \psi}{\partial x}. \quad (15)$$

(13) тенгламалар системасини сонли ечиш учун ошқормас чекли айирмалар усулидан фойдаланилди. Кўндаланг йўналишда марказий чекли айирма қўлланилди. Ошқормас схема билан қурилган чекли айирмали тенгламаларни ечиш учун қувиш усули ишлатилди. Интеграллаш қадамлари куйидагича олинди:  $\Delta \xi = 0.00002$ ,  $\Delta \psi = 0.001$ . Кўндаланг йўналишда ҳисоблаш нуқталари сони 2000 тани ташкил этди. Масала учун куйидаги чегаравий шартлар қўйилди: деворда, яъни  $\psi = 0$  да  $\bar{U} = \bar{u} = \bar{\vartheta} = 0$  ва  $\psi \rightarrow \infty$  да:  $\bar{U} = 0$ ;  $\bar{u} = \bar{v} = 0$ .  $\xi = 0$  да:  $\tilde{u} = 10^{-20}$ ,  $\tilde{v} = 0$  шартлар қўйилди. Рейнольдс сони  $Re = 8.35 \cdot 10^4$  га тенг.


4-ва 5-расмларда икки суюқлик модели асосида олинган сонли натижалар келтирилган. Солиштириш мақсадида бу расмларда SA ва RSM турбулент моделлари ёрдамида олинган натижалар, шунингдек тажриба натижалари ҳам келтирилган.

$$(14) \text{ термик кучнинг киритилиши Нуссельт } Nu_x = -\frac{x}{T_w - T_0} \frac{\partial T}{\partial y} \Big|_w$$

коэффициенти учун ламинар режимдан турбулент режимга ўтишда адекват натижа олишни таъминлади (4-расм).



4–расм. Икки суюқлик турбулентлик модели асосида Нуссельт сонининг Рэлей сонига боғлиқлиги



5–расм. Ўлчовсиз бўйлама тезлик профили

Учинчи «Ўққа нисбатан симметрик струяли оқим» боб учта параграфдан иборат.

Бобнинг биринчи параграфидида товуш тезлигидан паст бўлган ўққа нисбатан симметрик струя масаласининг математик моделини учта турбулентлик моделлари: Секундовнинг  $\nu_t-92$ , Ченнинг  $k-\varepsilon$  ва икки суюқлик моделлари билан берилди. Масалани ечиш учун тенгламаларни учала турбулентлик моделлари учун ҳам цилиндрик координаталар системасида ёзамиз.


$$U = \frac{\psi}{r} \frac{\partial \psi}{\partial r}, \quad V = -\frac{\psi}{r} \frac{\partial \psi}{\partial x} \quad \text{ўринли бўлган умумлашган оқим функцияси}$$

$\psi$  киритилди. Ҳосилалар  $\frac{\partial}{\partial x} = \frac{\partial}{\partial \zeta} - \frac{Vr}{\psi} \frac{\partial}{\partial \psi}$  ва  $\frac{\partial}{\partial r} = \frac{Ur}{\psi} \frac{\partial}{\partial \psi}$  формулалар

билан аниқланди.

Тенгламалар системасини сонли ечиш учун марш усули ва мутлак устувор ошқормас схема ишлатилди. Радиал йўналишда тугунлар сони 600 тани ташкил этди. Тенгламалар системаси  $Re=5600$  учун ечилди. Ченнинг  $k-\varepsilon$  ва Секундовнинг  $\nu_t-92$  турбулентлик моделлари  $U=1$ ,  $\nu_t=0.0005$  бошланғич шартларда тажриба натижаларига яқин натижаларни беришди. Турбулентликнинг икки суюқлик модели эса  $\bar{V}_z = 1$ ,  $\bar{v}_z = 0.055$ ,  $\bar{v}_r = 0.028\bar{r}^{1/2}$  бошланғич шартларда тажриба натижалари билан устма – уст тушди:

6–расмда ўлчовсиз бўйлама тезликнинг профили соплогача ўлчовсиз масофада келтирилди. Бунда турбулентлик моделлари натижалари NASA тажриба натижалари билан солиштирилган.



6–расм. Соплогача бўлган ўлчовсиз масофада бўйлама тезликнинг тажриба натижалари билан солиштирилиши

Бобнинг иккинчи параграфида товуш тезлигидан паст ўққа нисбатан симметрик струя масаласини ечиш учун икки суюқлик модели ва чекли ҳажм усули ишлатилди. Конвектив ҳадлар учун ошкор кўринишдаги Леонардо QUICK схемаси қўлланилди. Ярим ошкормас схема ва қувиш усулидан фойдаланилди. Босим ва тезликлар ўртасидаги муносабат SIMPLE процедураси орқали амалга оширилди ва бунда юқори релаксацияли итерацион усул ишлатилди.

Икки суюқлик модели цилиндрик координаталар системасида қуйидаги кўринишга эга:

